

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT COЛИҚ ҚЎМИТАCИНИНГ  
ҚАРОРИ

**749** Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2902*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2017 йил 20 июль,  
85-сон

**Б. ХОДЖАЕВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2017 йил 20 июль,  
2017-33-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2017 йил 20 июлдаги 85 ва  
2017-33-сон қарорига  
ИЛОВА

**Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий  
газни миллий валютада сотишдан тушадиган Мажбурий  
ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш  
манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб  
қилиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни миллий валютада сотишдан келиб тушадиган, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасини (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) шакллантириш манбаси сифатида белгиланган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 6-бандига мувофиқ республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан тушган маблағларнинг 10 фоизи Жамғармани шакллантириш манбаларидан бири сифатида белгиланган.

**2-боб. Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва  
табиий газни сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш**

2. Республика истеъмолчиларига электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлар, мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган маблағлар бундан мустасно, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергиясидан тушадиган пул маблағларини жамлайдиган ягона махсус ҳисобварағига (22636) ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда куйидаги тартибда тақсимланади:

маблағларнинг 10 фоизи ҳар куни кейинги банк кунидан кечиктирмай, мемориал ордер асосида, «тўлов мақсади» графасида тўлов мазкур Низом-

га мувофиқ амалга оширилганлигини кўрсатган ҳолда, Жамғарманинг шахсий газна ҳисобварағига йўналтирилади;

маблағларнинг 90 фоизи ҳар куни мемориал ордер асосида ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг махсус ҳисобварағига (22604) кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мутаносибликка мувофиқ тақсимлаш учун ўтказилади.

Чегирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга йўналтирилади.

3. Республика истеъмолчиларига табиий газни сотишдан тушадиган маблағлар, мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган маблағлар бундан мустасно, «Ўзтрансгаз» АЖнинг табиий газдан тушадиган пул маблағларини жамлайдиган ягона махсус ҳисобварағига (22634) ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғини чегирилган ҳолда қўйидаги тартибда тақсимланади:

маблағларнинг 10 фоизи ҳар куни, кейинги банк кунидан кечиктирмай мемориал ордер асосида, «тўлов мақсади» графасида тўлов мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилганлигини кўрсатган ҳолда, Жамғарманинг шахсий газна ҳисобварағига йўналтирилади;

маблағларнинг 90 фоизи ҳар куни мемориал ордер асосида «Ўзтрансгаз» АЖнинг асосий ҳисобварағига (20210) кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мутаносибликка мувофиқ тақсимлаш учун ўтказилади.

Чегирилган қўшилган қиймат солиғи суммаси «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Ўзбекнефтегаз» АЖ корхоналарининг солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга йўналтирилади.

4. Мазкур Низомнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони кучга кирган пайдан Жамғарманинг шахсий газна ҳисобварағига ўтказилади.

5. Мазкур Низомнинг 2 ва 3-бандларида ўрнатилган тартиб Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ ажратиладиган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳақини тўлашдан келиб тушадиган мақсадли маблағларга татбиқ этилмайди.

6. Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан тушган маблағлар бўйича Жамғарманинг шахсий газна ҳисобварағига ортиқча (хато) ўтказилган маблағлар республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан келгусида тушадиган маблағлар ҳисобидан қайта ҳисоб-китоб қилинади.

**3-боб. «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ҳамда «Ўзтрансгаз» АЖнинг пул маблағлари ҳаракати бўйича мониторинг**

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Бюро деб юритилади) мазкур Низомнинг 2, 3 ва 5-бандларидаги маблағларнинг ҳаракати бўйича:

тегишли ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини тўлиқ кўриб туриш;

зарурат туғилганда «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖлардан уларнинг банк ҳисобварақларидан қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни ушбу харажатларнинг мақсадли йўналтирилганлигини тўлиқ кўрсатган ҳолда олиш орқали мониторингни амалга оширади.

8. «Ўзбекэнерго» АЖ, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан бошқа банк ҳисобварақларини очиш ва улардан харажат қилиш тақиқланади.

9. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмаган ҳолда Бюрога барча ҳисобварақларидан қилинган харажатлар тўғрисида маълумот тақдим этади.

Маълумотларда харажатларнинг тўлиқ мақсади, шу жумладан:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши;

олинган кредитларга хизмат кўрсатиш ва қайтарилиши;

дивидендларнинг тўлови;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг, шунингдек, улар бўйича ажратмаларнинг тўланиши;

газ қазиб олувчи корхоналарга ишлаб чиқарилган электр энергияси ва уларни етказиб бериш учун қилинган харажатларнинг тўланиши;

«Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ объектларини қўриқлаш хизмати бўйича тўловлар;

электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича дастурларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатлар;

хато ўтказилган маблағларининг қайтарилиши;

бошқа харажатлар кўрсатилади.

Бунда тақдим этилган маълумот ўзида тегишли ойдаги барча банк ҳисобварақларидан амалга оширилган харажат операцияларининг тўлиқ ҳажмини ўз ичига олиши лозим.

Зарур ҳолларда, Бюро юқорида кўрсатилган йўналишлардаги харажатларнинг мазмунини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

10. «Ўзбекэнерго» АЖ, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва «Ўзтрансгаз» АЖнинг пул маблағлари ҳаракатларини мониторинг қилиш давомида қонунчилик талаблари бузилганлиги аниқланганда, Бюро ўзининг ваколати доирасида уларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

**4-боб. Яқуний қоидалар**

11. Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан тушган маблағларни мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳисоб-варақларга ўтказиш ва пул ўтказмаларини амалга ошириш билан боғлиқ амалиётларни бажариш тақиқланади.

Ягона махсус ҳисобварақларга (22636) ва (22634) келиб тушадиган маблағларга нисбатан тақиқ қўйилмайди ва уларга қонунчиликда белгиланган пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби қўлланилмайди.

12. Мазкур Низомга риоя қилиниши учун жавобгарлик «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарининг ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг, шунингдек, «Ўзтрансгаз» АЖнинг бевосита раҳбарлари ва бош ҳисобчилари (ҳисобчилари) зиммасига юклатилади.

13. Хизмат кўрсатувчи банклар маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ мемориал ордер асосида ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун жавобгар ҳисобланади.

14. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Геология, ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё, нефткимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзбекнефтегаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан келишилган.

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг  
ўринбосари — Геология, ёқилғи-  
энергетика мажмуаси, кимё, нефткимё  
ва металлургия саноати масалалари  
комплекси раҳбари*

**Г. ИБРАГИМОВ**

*2017 йил 20 июль*

*Марказий банк раиси*

**М. НУРМУРАТОВ**

*2017 йил 20 июль*

*«Ўзбекэнерго» АЖ раиси*

**У. МУСТАФОВ**

*2017 йил 20 июль*

*«Ўзбекнефтегаз» АЖ раиси*

**А. СУЛТАНОВ**

*2017 йил 20 июль*

**749, 751-моддалар**

**— 328 —**

**30 (790)-сон**

*«Ўзтрансгаз» АЖ раиси  
ўринбосари*

**У. АШУРОВ**

*2017 йил 20 июль*

*Бош прокурорнинг биринчи  
ўринбосари — Жамғарма кузатув  
кенгаши раиси*

**М. АЗИМОВ**

*2017 йил 20 июль*

*Бош прокуратура ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси директори*

**Б. КУДРАТХОДЖАЕВ**

*2017 йил 20 июль*